

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ

597 **Халқаро молия институтлари иштирокида инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш механизмини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида**

Иқтисодиётни таркибий ўзгартириш, тармоқларни модернизациялаш ва диверсификациялаш дастурларининг ўз вақтида амалга оширилишини таъминлаш, халқаро молия институтлари, хорижий ҳукумат молия ташкилотлари ва донор мамлакатларни жалб этган ҳолда амалга ошириладиган инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш тизимини янада такомиллаштириш, лойиҳаларни амалга ошириш самарадорлигини ошириш ва муддатларини қисқартириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси томонидан тайёрланган халқаро молия институтлари, хорижий ҳукумат молия ташкилотлари ва донор мамлакатлар иштирокидаги инвестиция лойиҳалари доирасида ташкил этилган ва фаолиятини амалга ошираётган лойиҳани амалга ошириш гуруҳлари сонининг иловага* мувофиқ мақбуллаштирилган рўйхати ва штатдаги ходимлар сони маълумот учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, «Ўзкоммунхизмат» агентлиги, «Ўзбекэнерго» акциядорлик жамияти, «Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамияти, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Республика йўл жамғармаси, Тошкент шаҳри ҳокимлиги, бошқа ташкилотлар — лойиҳалар-

* Илова рус тилидаги матнда берилган.

нинг ташаббускорлари 2016 йил 1 январгача бўлган муддатда белгиланган тартибда:

ушбу қарор талабларига мувофиқ лойиҳани амалга ошириш гуруҳлари-ни қайта ташкил этиш ва уларнинг штат жадвалини ўзгартириш бўйича зарур тадбирлар амалга оширилишини;

қайта ташкил этилган лойиҳани амалга ошириш гуруҳлари зарур таж-риба ва билимларга эга бўлган юқори малакали кадрлар билан бутланиши-ни таъминласинлар.

3. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги ҳамда Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги — Жаҳон банки, Осие тараққиёт банки, Ислон тараққиёт банки ва халқаро молия институтларида, хорижий ҳукумат молия ташкилотлари ва донор мамлакатлардаги бошқарувчилар идоралари белгиланган тартибда:

лоийҳани амалга ошириш гуруҳлари фаолиятини мақбуллаштириш бўйи-ча амалга оширилаётган чора-тадбирлар халқаро молия ташкилотлари, хо-рижий ҳукумат молия ташкилотлари ва донор мамлакатлар билан кели-шилишини;

конун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида бир ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритилишини таъминласинлар.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Рес-публикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2015 йил 23 ноябрь,
334-сон